

ПАХТАНИ ТЕЗ ВА ТОЗА ТЕРАЙЛИК!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 186 (1964). 20 сентябрь чоршанба 1961 йил. Баҳоси 2 тийин.



Пахтакор ва механизатор ўртоқлар! Облестимизни илғорлар қаторига чиқариш учун теримда уюшқоқлик кўрсатайлик, ҳозирги ганимат дамларда кунига 2-2,5 процент ва ундан ошириб пахта тайёрлашга эришайлик!



Гулистон районидagi «Красная зоря» колхозда далаларида машина терими қизитиб юборилди. Суратларда: (чапдан) Колхознинг турсуноғичи механик ҳайдовчиси Гулҳебра Умарова. У мавсумда 220 тонна пахта териб мажбуриятини олиб ҳар кун хирмонга 3-4 тонна пахта тўмоқда. Колхозда машина терими пайти. В. Салов фотолари.

3-„Боёвут“да суръат жуда паст

Ўтган йил қоқоқларга қўл келган эди. Улар йил бошидан ҳатто охиригача об-ҳавони рўқач қилиб келдилар. Улар план 50-60 процентдан ортмай қолганда ҳам йил эмон келди деб ўзларини гап-сўздан куталтириб қолдилар. Янгирер район и да ги Карл Маркс номи колхоз ва 3-Боёвут совхоз раҳбарлари ҳам шундай вақт ишлатдилар. Бу йил об-ҳаво яхши келди. Қўл лехонлар 1961 йил пахта йили бўлиди дептилар. Бундай пахтакорлар Янгирерда ҳам қўл. Шундай экан, 3-Боёвут совхозига билан Карл Маркс номи колхоз ҳам йил яхшидир. Қизиқ, бу ҳужажиклар неча процентдан пахта тайёрлашди экан?

Мана 18 сентябрда бўлган мазлумот. Биринчи у ринда «Дружба» совхозини туртипти. Бу совхоз ўтган йил энг охири ўринда эди. Бу йил эса 22,19 процент пахта тайёрлапти. Бир кунлик ўсиш 2,15 процент. Хўш, охири ўринда қим? «Фарҳод» совхозини 2-Боёвутга йўқ. 3-Боёвут совхозини бу ҳужажикда аҳвол эмон, судуралиб бермоқда. 18 сентябрда 6,09 процент пахта тайёрлапти. Бир кунлик ўсиш 0,62 процент экан. Янгирер районини бошқарувчи раиснинг айтганича пахта тайёрлапти. Демак, 3-Боёвут совхозини район эса областини орқага тортапти. Бу совхоз ўтган йил об-ҳавондан нолиб, ҳамма аябини ўз зиммасидан соғит қилган эди. Бу йил раҳбарлар нимани баҳона қилдилар? Ана шунини билши кишини қизиқтиради.

17 сентябрда биринчи бўлим 18.300 килограмм пахта терди. Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти бу суръатни жуда паст деб билди. бўлим активларини жиддий огоҳлантирди. Ҳарқайси бригадирнинг қисқа хисоби эшитилиб, терим суръатини ошириш юзасидан қатъий талаблар қўйилди. Биринчи натижаси шу бўлдики, эртасига бўлим 17.300 килограмм, яъни олдинги кундагидан бир тонна кам пахта терди. Нега шундай бўлипти. Сабоби шунданки, бўлим бошқарувчиси ўртоқ Э. Расулбеков терим, бригадир Худойбердиевга ҳечим йилги-терим давридаги масъулиятни тула ҳис қилмапти. Одамлар ишга келишди, эрта қайтиб кетди. Қўл ишлар кўнлик нормаларини бажармайдилар. Раҳбарлар уларга нисбатан талабчанлик қилмайдилар. Шундай бўлмас пахта қийғос очилган ҳозирги пайтда бўлимнинг ҳарбир теримчиси 17 сентябрда 62 килограммдан, 18 сентябрда эса 59 килограммдан пахта термапти!

Терим суръати, айниқса, 4-5 бўлимларда паст. 12 сентябрда 4-бўлимнинг ҳарбир теримчиси 60

килограммдан пахта терган эди. 18 сентябрда келиб бу рақам 48 га тушиб қолди. Демак, бир ҳафта давомида терим суръати ортмай анча пасайиб кетган. Ўртоқ А. И. Небога бошқарувчи бўлган бўлимда ҳам аҳвол шундай. Бу жубга солади. Кунлик терим қайди қилинган дафтарда ҳарбир теримчининг бир кунда қилган иши кўрсатилган. Дафтарини бир вақтлаб кўрдик. Ҳарқайси бригадир бир ёни икки киши 100 килограммдан ошириб пахта терган. Юлда кўп теримчиларнинг фамилияси ўларасида 30-40 рақамлар туртипти. Онда-сонда 18-20 килограмм пахта терган кишилар ҳам учрайди. Ҳамма бригадирлар улардан иш уюмининг пастлиги суралганда «оз терганларнинг ҳаммаси болали аёллар, ўқувчилар, базилар кенсалар. Асосий кўчларимиз уюмда ишлаяпти»

деб жавоб беришди. Бироқ, асосий теримчилар 51 килограммдан, ёрдамга келган теримчилар эса 57 килограммдан пахта терганган.

Совхоз раҳбарлари билан гаплашсангиз, инни-уч кунда бир процентга чиниб оламиз дейишадилар. Ажаб! Бу жавобга анча де-йиш мумкин? Ҳозир йилги-терим жуда қизилган, пахта яхши очилган, кунларда фавқат бир процентдан пахта тайёрланади. Йиллик план қачон бажарилади. Ҳали йиллик планнинг 10 дан бир бўлагини ҳам бажармаган ҳужажик учун кунига бир эмас, бир ярим процент ҳам оқлик қилди-ку! 3-Боёвут совхозининг пахтакорлари буни унитмасилар.

С. СУЛТОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мух-бири.
Т. ОРИПОВ,
«Ленин йўлидан» газетасининг ходими.

Охунжонов звеноси пахта тайёрлаш планини бажарди

Чиноз районидagi Сталин номи колхозининг коммунист Охунжонов бошқариш звеноси 27 сентябрдан оқ олтин йил 30 гентар эрда пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Звено аъзолари ҳар гентар эрдан 26 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган эдилар. Улар КПСС XXII съезди ва ЎзКомпартия XVI съезди шарафига социалистик муСОбақани қизғин давом эттирмоқдалар.

„ШАХМАТЧИ“ РАИС

Бетимнинг қалини жонининг хузури... Бу гап раис Тожибой Худойбердиевга жуда ёниши тушунилади. Булмас далада пахта ташлаб олинди, мени тер деб турганида у «шах» деб шахмат суриб ётариди! Раиснинг одати кунини, йиллик бун вақт тоғли дегунча ўзини шахматга уради. Ҳўтмоқ тушида ҳам шахмат тахтасти устида бош қотирса керак. Агар унга бирор:

— Мана бу ўтиб кетаётган ки-
шигили бу. Шунинг натижасида колхозда йилги-терим ишлари бў-шашиб кетган. Колхоз бу йил давлатга 2985 тонна пахта топшириши керак. Эндигина план 18,27 процентга етди. Шундай бўлишга қарамай раиснинг пахта тазроқ териб олиш устида бош қотирмай шахмат ўйнаб ўтириши кишини ажаблантиради. Колхознинг Ражаб Соатов, Мирза Жамоатов, Мамаюнус Қо-симов, Малик Хожибоев сингари



Райс Т. Худойбердиев: — Қани, орқадан... шах... шах... шах... М. Воробейчиков чизган раис.

ни уста шахматчи деб қолса бў-лади, ўша кишини ҳоли-жонига қўй-май шахматга судрайди.

— Жон биродар, мен билан бир қўл ўйнаб кет!

— Ахир ўртоқ раис, бу қана-қаси бўлди. Далада ишлар бошдан олиб етибди-ку, сиз бўлсан-гиз...

— Э, қизиқ экансиз-ку, буд-туртидан иш қоптими. Ҳали сен-териб ойна тамом бўлган йўқ-ку. Пискент районидagi Вороши-лов номи колхозининг раиси То-жибой Худойбердиевнинг бепар-волити, боқибегамлигидан бир

бригадирлари ҳам бепарволит-дан раисдан андаза олинган бўлсалар керак, бу бригадаларда суръат жуда секинлик билан ўсмоқда. Буларда эндигина 6-8 процент атрофида пахта тайёрланибди.

Фурсат ганимат. Отин қачин-лаш керак ўртоқ раис. Ҳаво ях-ши, пахта қийғос очилиб кетди. Ҳосили шу кунларда териб топши-рмасангиз, қачон топширасиз. Егингарчилик ва совуқ бошланиб кетганидан кейин ҳозирги куннинг бир кунини ҳам тополмайсиз, ат-танг деб мот бўлиб қоласиз.

Н. РИХСЕВ.

Н. С. Хрущев Афғонистон бош вазирининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Муҳаммад Наимни қабул қилди

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущев шу йил 18 сентябрда Афғонистон бош ми-нистрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Сардор Муҳам-мад Наим жаноб олиларини қа-бул қилди ва у билан суҳбатлаш-ди. Суҳбат вақтида ҳар иккала томонни қизиқтираётган халқаро аҳвол масалалари ва Совет — Афғонистон муносабатлари юза-сидан самарали фикр олишилди.

Суҳбатда совет томонидан СССР Ташқи ишлар министрлигининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов ва СССР Ташқи ишлар ми-нистрлиги ўрта Шарқ мамлакат-лари бўлимининг муdiri А. П. Павлов, Афғонистон томонидан Афғонистон ташқи ишлар минис-трининг умумий сиёсий департаме-нтининг бошлиғи Нур Аҳмад Эте-мади ва Афғонистоннинг СССР даги элчиси Абдул Х. Шахалами ҳозир бўлдилар.

Суҳбат дўстлик ва ҳамжihatлик ваазиятида ўтди.

ТАСС ахбороти

Шу йил 17 сентябрда Совет Итти-фоцида кўп босқичли учирувчи ра-нета Тинч океанинг марказий қис-мидаги районга иккинчи марта му-ваффиқиятли суратда учирилди.

Ракета олдиндан белгилаб қўйил-ган программага мувофиқ учиб бор-ди ва унинг ҳамма системалари худ-ди шу программада кўрсатилгандек ишлади.

Юксан даранада аниқ ишлайди-ган бошқариш системаси ракета охири босқичи манетининг шу йил 13 сентябрда учирилган дастлабки ракета тушган нуқтага бевосита яқин жойга бориб тушишини таъ-минлади.

12 миң километрдан узунроқ ма-софага учирилган учирувчи ракета-ни бошқариш системасининг со-вет аниқ ишлайдиغانлиги — гав-вот ракетасозлигининг янги жуда катта муваффиқиятидир.

Белгиланган планга мувофиқ, ил-гари эълон қилинган районга учир-увчи ракеталарни учуриш давом эттирилади.

Оқ йўл

МОСКВА, 18 сентябрь. (ТАСС). Хиндустоннинг машҳур жамоат арбоби Рамешвари Неру хоним бу-гун Москвадан юртига жўнаб ке-тди.

Р. Неру хоним Совет Иттифоци-да унга «Халқлар ўртасида тинч-ликни мустаҳкамлаш учун» халқ-аро Ленин мукофоти топширилган-лиги муносабати билан меҳмон бўлиб турди.

БЕЛЬГИЯ БОШ МИНИСТРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ВА ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ МОСКВАГА КЕЛДИ

СССР Министрлар Совети Раис-и Н. С. Хрущевнинг таклифига мувофиқ, Бельгия бош министр-ининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри П. Спаак жаноблари 18 сентябрда Москвага келди.

Нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда

Ўрта Чирчиқ районидagi Куйби-шев номи колхоз пахтакорлари ў-ган йилги аччиқ сабоқлардан тегиш-ли ҳулосалар чиқариб, ёз бўйи ан-ча дурӯст меҳнат қилдилар. Эрта кузга келиб далаларида мўлажалдаги ҳосил тўпланди. Ҳозирги кунларда колхознинг Ш. Акмалов ва М. Қо-диркулов ўртоқлар бошчилик қи-лаётган бригадаларида терим суръ-ати жадаллашиб кетди.

Ўртоқ П. Раҳмонов бошқиб брига-дада ҳам йилги-терим суръати чаққи эмас. Аммо, бригадала қили-наётган ҳамма кишини кў-вонтира бермайди. Бу бригадала «ҳа, бўл, ҳа бўл»га берилиб кетиб, пахта нобудгарчилигига йўл қўйи-лапти. Пахта тартибига терилмоқ-да. Теримчилар иши устидан деярли ҳеч қандай контроль йўқ. Бригада далаларини айланган киши чапоқ-ларда қолиб кетган ва ағат ора-ларига тўкилиб ётган пахталарини қўллаб кўриши мумкин.

Бригада аъзолари пахта нобудгар-чилигига мутлақо йўл қўймастан, етиштирилган мўл ҳосилин ўз вақ-тида йилги-териб олишлари лозим. Шундагина улар зиммаларига олган вўжас мажбуриятини шараф билан бажаришлари мумкин.

А. РАЗЗОҚОВ.

Пахта-миллий ИФТИХОРИМИЗ

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТўҒРИСИДА (Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Қоп-қанорсиз ташиш
Юқори Чирчиқ	3,23	37,19	2,8
Оржоникдзе	2,25	28,46	32,1
Пискент	1,55	23,77	10,3
Янгийўл	1,64	18,01	6,0
Ўрта Чирчиқ	1,53	17,87	7,1
Чиноз	1,40	17,18	9,6
Бўқа	1,36	15,80	8,3
Сирдарё	1,29	14,65	6,4
Оққўрғон	1,03	13,65	14,4
Бекобод	1,09	13,02	16,1
Комсомол	1,16	11,90	11,3
Янгирер	1,03	11,27	9,4
Куйин Чирчиқ	0,95	10,80	4,8
Гулистон	1,92	9,69	4,5
Област бўйича	1,35	15,89	9,8

Давлатга юқори сифатли пахта етказиб берайлик

— Пахтакор чамандек очил-иб, «оқ олтин» хирмонлари тобора кўкка бўй чўймоқда. Етти йилнинг учинчи йили ҳосилини ортан ва давлат пункт-лари томон йўл олаётган қизил карвонларнинг кети уялмайди. Юқори Чирчиқ, Ор-жоникдзе, Пискент районла-рининг карвонлари энг олдинги сафда бориб, ҳаммаини қувон-тирмоқдалар.

Оамунча қийинчиликлар-ни енгмадик шунчалик мўл ҳо-сил етиштиргунча, — дейди тажрибакор пахтакор Сирдарё районидagi Куйбишев номи колхозининг бригада бошлиғи Ҳаммаюнов Ўстамоғ — шун-дай бўлганда кейин ҳозирги таъинат куларнинг қадрига етиб етиштирган ҳосилимизни давлат оморларига тез етказ-иб берайлик. Ленини сон орқа-сидан қувиб пахтанинг ифлос-ланшига, хом терилишига йўл қўйиш ярамайди, бу кони экиндр. Ахир ўтган йил бу соҳада тўқимачилардан озму-ча гап эшитмадик.

Ҳаққоний эътироз, ҳақ та-лаб бу. Етти йилнинг ик-кинчи йилидаги аччиқ сабоқ-ларини пахтакорларимиз сира унутмасликлар керак: респу-бликамиз, шу жумладан обла-стимизда колхоз ва совхозлар бир қисм ҳосили қабул пункт-ларига нормадагидан ортиқ намлик ва ифлослик билан топширдилар. Теримда палла-партишликка йўл қўйилганлиги натижасида шундай бўлди. Колхозчилар совхоз илчи-лари, шаҳарлик биродарлар бил-ан ҳамкорликда теримни то-бора вақт олдиришмоқдалар. Пах-тазорларда зангори кемалар ҳам ишга тушиб пахтакорнинг жонига оро кирди. Ҳаво ҳам жуда қулай келяпти. Кишил-аримизнинг руҳи тетик ишга бўлган ҳаваси катта. Хуллас очилган кўсакларини пешма-пеш териб олиб давлат омор-ларига етказиб бериш учун ҳамма имконият бор. Демак, шундай экан, бу имкониятлар-дан тўғри фойдаланиш билан бирга ҳосилининг сорти ва си-фати тўғрисида доимо қайри-риш керак. Бу жиҳатдан Чиноз районидagi Киров номи кол-хозининг Турсуноғи Охунова, Пискент районидagi Тельман номи колхозининг Ҳакимпол-вон Қодиров ўртоқлар бошлиқ трактор-далаччилик бригадала-рининг ишидан ўрнат ола ар-айлиб. Бу бригадалар ҳосил-нинг 80—85 процентини бирин-чи сортга топшириш учун ку-рашмоқдалар. Кўпгина колхоз ва совхозларда бу ташаббус кенг қулоч ёймоқда.

Лекин афсуски бу соҳадаги ишларимизни қаноатланиш деб бўлмайди. Областдаги баъ-зи колхоз ва совхозлар йилги-терим бошланган дастлабки кунлардаёқ хом пахта терили-шига ҳосилининг ифлосланиши-га ва далада йил бўйи тер тў-киб етиштирган «оқ олтин» си-фатининг бузилишига йўл қўй-дилар. Област партия комит-ети бюроси ва област иж-роия комитети йилнинг каро-рида бундай нотўғри хатти-ҳа-ракатларини ёз вақтида қаттиқ қоралаган. Район партия ва совет ташкилотлари олдинга йўл қўйилган қамчиликларни тўғатиш учун зарур чораларини

қўриш вазифаси юклатилган эди. Тўғри, бу қарорни амалга ошириш юзасидан жойларда кўп иш қилинди. Қарорда тил-га олинган колхоз ва совхозлар ҳосилининг сифатини кескин яхшилашга қаратилган тадбир-ларини амалга оширишлар ва бу тадбирлар яхши натижалар бермоқда. Бироқ ҳали ҳам ай-рим жойларда ҳосилининг сифа-тига етарли эътибор берилмаёт-ганилиги тўғрисида сигналлар келиб турибди. Масалан, Оқ-қўрғон районидagi Сталин но-ми, Янгийўл районидagi Илданов номи колхозлари хом пахта-нинг терилишига, ифлослани-шига йўл қўйилган. Шунинг учун ҳам бу колхозларнинг пах-та улари пундан тез-тез қайта-риб турилади. Шунингдек Гу-листон, Янгирер районларидаги баъзи колхозларда ҳам кон-тролнингнинг йўқлигидан пахта-лар хом ва ифлос терилаяпти.

Ҳозирги пайтда оз бўлса ҳам хом пахтанинг терилиши ва ифлосланишига йўл қўйиш нобудгарчиликка йўл қўйиш демакдир. Жойларда хом пах-танинг қаноқдан ситиб олини-ши кони зиёв эканлигини кенг тушунириш керак. Илмий таш-килотларнинг берган маълум-отига қараганда хом пахтаини териб натижасида ҳосилининг 10—15 проценти йўқолади, си-фати ҳам анча пасаяди.

Пахтаини юқори сифатли қи-либ териб, ифлослантимаслик учун уни асфальт хирмонлар-дагина қуритиш керак. Ўзе-бекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министр-лар Советининг пахта йилги-теримига тайёргарлик кўриш ва терим ишларини ташкил-эттиш тўғрисидаги қарориди пахтаининг сифатини ошириш мақсадига қўл маталаб териб практикасидан воз кечиб шу бутун ҳосилини уч ёки тўрт марта териб олганининг таъ-минлаш тўғрисида бериладиган кўрсатмасига ҳамма ерда амал қилиш лозим.

Шунингдек СССР Министр-лар Совети пахтаини фақат кун-дуз учун қабул қилиш тарти-бинини жорий этганлигини ҳам сира унутмаслик керак. Бу тадбирни амалга ошириш билан давлатга етказиб берила-ётган «оқ олтин»имизнинг юқори сифатли бўлиши таъ-минланади. Пахта тозалаш за-водлари ва тайёрлов пункт-лари колхоз ва совхозлардан келадиган ҳосилининг сорти ва намлик даражасини тўғри бел-гилашлари лозим.

Даладаримизда пахта қийғос очилиб кетди. Йилги-теримда энг қизиқ, энг масъулиятли ки-шилар бошланди. Илғорлардан ўрнат олиб, барча район ва колхозларда терим суръатини кескин кучайтириш ва област-ни пахта тайёрлашда олдинги ўринларга чиқариш учун ку-рашини ҳозирги куннинг муҳим вазифасидир. Пахта териб ва давлатга топшириш суръатини кучайтириш учун курашини бил-дан бирга ҳосилининг сифати тўғрисида ҳам доимо ҳамқўр-дик қилиб бораёйлик. Шунга эришайликки, КПСС XXII съез-ди шарафига план бажарилаш-нида ҳосилининг асосий қисми биринчи сортга топширилган бўлсин. Бу пахтакорларимиз-нинг съездага совғаси бўлади.



КПСС ПРОГРАММА ВА УСТАВИ ПРОЕКТЛАРИ МУҲОКАМАДА

Тошкент ипак-йигирув фабрикасининг ишчиси Фароғот Набиева КПСС XXII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XVI съездини муносиб меҳнат соғвағари билан ишончлиқ учун астойдил ишлаётди. У шу кунларда смена тошириқларини 140—160 процентга етказиб адо этмоқда.

Суратда: ўртоқ Ф. Набиева ип устида.

А. Тўраев фотоси.



КПСС ўз ишини партия турмушининг Ленинча нормаларига, коллектив раҳбарлик принциpigа оғишмай амал қилиш, партия ички демократиясини, коммунистларнинг активлиги ва ташаббусини, танқид ва ўз-ўзини танқидни ҳар тарафлама ривожлантириш асосига қуради.

(КПСС Устави проектидан).

БУ—БИЗЛАРНИНГ РЕЖАМИЗ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси ва Устави проектларини Тошкент шаҳар Фрунзе район меҳнатқашлари қизини муҳокама қилишни давом эттирмоқдалар. Улар: Программа — бизларнинг режамиз, уни албатта амалга оширамиз, демоқдалар.

Район партия комитети ҳузурида ташкил этилган агитаторлар группасига малакали коммунистлардан 257 киши жалб этилган. Коммунист-агитаторлар ишчилар орасида Программа проекти юзасидан тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Улар орасида Тошкент тўқимачилик комбинати чигта гул босин фабрикасининг бўёғчиси В. Зокиров, шу фабриканинг мастери А. Ц. Божко, 1-тўқув фабрикасини ремонт бўлимининг мастери Я. М. Хабибуллин, 3-йигирув фабрикасини йигирув цехининг бошлиғи Т. Пичкова ва бошқа ўртоқлар бор. Ишчан агитаторлар ишчилар билан Программа проекти юзасидан тез-тез суҳбатлар ўтказиб туришади. В. Зокиров ва Я. М. Хабибуллин ўртоқлар пардозлаш, чигта гул босин ҳамда тўқув цехларида ўтказган суҳбатлар ишчиларда эъри кўчиркиш туғдириди.

Бу тарихий ҳужжатни муҳокама қилиш юзасидан райондаги бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган йиғилишларга 6 мингта ақин киши, шу жумладан 3,5 мингдан ортиқ коммунист иштирок этди. 378 киши бу ҳужжатлар юзасидан таклиф киритди ва ўз мулоҳазасини айтди. Муҳокамага бағишланган йиғилишлар давом этмоқда.

1-пофал фабрикасининг ҳамма цехларида Программа проекти коллектив равишда ўрганилмоқда. Машинолотларда жами бир ярим мингдан ортиқ киши иштирок этаётди.

Фабрика комсомол комитетининг секретари коммунист Н. Г. Мельников партиянинг янги Уставида партия аъзолигига нақдидатлар қабул қилишда район комсомол комитетининг рекомандацияси партия аъзоларининг рекомандацияси ўрнига ўтади, деган эслатма ўрнига «Бошланғич комсомол ташкилотининг рекомандацияси бир коммунистнинг рекомандацияси ўрнига ўтади», деб баъса дуруст бўлар эди, деган мулоҳазасини айтди. Бу билан бошланғич комсомол ташкилотининг роли оширилган ва уларнинг масъулияти янада кучайтирилган бўлади, дейди ўртоқ Мельников. Шу синари таклиф ва мулоҳазалар анчагина киритилди.

Кўн комбинати партия ташкилоти Программа проектини цехларнинг ишчиларига тушунтиришга эътиборни кучайтирмоқда. Бу эса коллективнинг меҳнат активлигини оширишда катта роль ўйнаётди. Комбинат коллективи партия XXII съезди шарафига меҳнат вақтасида турб ишлаб, ойлик нормаларини ортиги билан адо этмоқда. Шу кунгача пландан ташқари бир неча ўн минг сўмлик маҳсулот берилди.

Тошкент тўқимачилик институтининг ҳамма лабораториялари ва кафедраларида бу муҳим тарихий ҳужжатни муҳокама қилиш қизини давом этаётди. Тикувчилик лабораторияси ходимлари КПСС XXII съезди шарафига коммунистик меҳнат бригадаси деган номни олиш учун курашмоқдалар. Лаборатория ходимларидан Қирғизбаева, Ной, Пичкова, Ганиева ва бошқалар бу курашда бошқаларга ўрнак кўрсатмоқдалар.

— Бизнинг цехимиз ишчилари, — дейди 2-тикучилик фабрикасининг мотористкаси Х. Тўлаганова, — партия янги Программаси проектидан руҳланиб, янада гайрат билан меҳнат қилишга сўз берди. Программа проекти бизнинг зиммасига масъулиятни ваъжаларини оқлайди. Шунинг учун бутун совет халқи билан бир қаторда биз ҳам «ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун» ширини остида ип олиб бориб, Программани тўла амалга ошириш учун курашамиз. Шахсан мен ўз зиммага олган мажбуриятимни жонон партиянинг XXII съезди очилганидан кунгача бажариш учун қатъий сўз бераман.

Бундай қалб сўзларини рабонининг ҳар бир қорхонаси ва муассасасида, қурилиш участкалари ва олий ўқув юрталарида эшитиш мумкин. Чунки бу Программа проекти 20 йиллик ишларининг мукамал режамиз, ҳаракатимизнинг йўлнамаси, коммунистик артамизнинг кўзгусидир.

З. ЮНУСОВ.



Тошкентдаги абразив заводининг ўртоқ А. Чауш бошчилиги қилаётган бригадасида янгида коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли ном берилди. Бригада аъзолари КПСС XXII съезди шарафига бошланғич социалистик мусобоқада яхши кўрсаткичларга эришганликларини учун кўма миътелин ҳам олшига муваффақ бўлдилар. Суратда: ойлик тошириқларини 130—140 процентга етказиб бажараётган илгор бригаданинг бошлиғи ўртоқ А. Чауш.

М. Комлев фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
2-БЕТ, 20 СЕНТАБРЬ, 1961 ЙИЛ.

Колхозларнинг асосий фондларини тартибга солайлик

Жонон Коммунистик партиясининг янги Программаси проектида халқ хўжалигининг барча тармоқлари қаторида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш масаласига ҳам катта эътибор берилган. Программа проектида қишлоқ хўжалиги артефакти «колхоз — деҳқонлар учун коммунистик мактабидир» деб эътибор берилган. Процентинг яна бир ерида қуйидагилар сатрлари кўрилади: «Колхозлар ривожланган сари, уларнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари ўсиб боради, бу фондларда ҳозирги замон техника воситалари асосий ўринни эгаллайди».

Ҳақиқатан ҳам колхозларда асосий фондлар муҳим ўринни эгаллайди. Бу йил ҳукумат қарорига мувофиқ колхозларда, колхозлар ва шу хўжалиғи ташкилотларида асосий фондларга янгидан нарх қўйилмоқда ва физик жиҳатдан эскирганлари аниқланмоқда. Бу тадбирини амалга оширишдан мақсад асосий фондларнинг дастлабки ҳисобини тартибга солиш, такрорини ишлаб чиқаришининг ҳозирги нархини янгидан баҳолаш ва шу орқали асосий фондларнинг амортизация нархларини тўғри ҳисоблаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга кетадиган харajatини аниқлашга шартин яратиб беришдир.

Асосий фондларга янгидан нарх қўйишга ўтган йилнинг тўртинчи кварталидан бошлаб катта тайёргарлик қилина бошлаган эди. Ҳозир бу нарх ва мураккаб иш — асосий фондларини инвентаризация қилиш ва ҳар бир объектининг физик жиҳатдан эскирганлигини аниқлаш соҳасида жуда масъулиятли ва ҳал қилувчи даяр бошланди.

Областимизнинг Орқонқидзе, Қалинин, Қуйи Чирчиқ ва бошқа районларидаги кўпгина колхозларда янгидан нарх қўйиш мақсадида асосий фондларини инвентаризация қилиш, рўйхатини тузиш ва физик жиҳатдан ҳужжатлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Масалан, Орқонқидзе районидан Ленин номи колхозда асосий фондларини инвентаризация қилиш ва рўйхатга олиш комиссияси намунали иш олиб бораётганлиги туфайли ҳозирнинг ўзида бу тадбир амалга оширилди. Колхозда биолог, ишоотлад, машиналар ва асбоб-ускуналарини инвентаризация қилишни кўзда тутиб, асосий фондларга янгидан нарх қўйиш учун махсус план ишлаб чиқилди.

Чиноз, Орқонқидзе, Қалинин ва бошқа районларнинг кўпгина колхозлари асосий фондларини инвентаризация қилиш ва янгидан нарх қўйишга ўтган йилнинг тўртинчи кварталидан бошлаб катта тайёргарлик қилина бошлаган эди. Ҳозир бу нарх ва мураккаб иш — асосий фондларини инвентаризация қилиш ва рўйхатга олиш комиссияси намунали иш олиб бораётганлиги туфайли ҳозирнинг ўзида бу тадбир амалга оширилди. Колхозда биолог, ишоотлад, машиналар ва асбоб-ускуналарини инвентаризация қилишни кўзда тутиб, асосий фондларга янгидан нарх қўйиш учун махсус план ишлаб чиқилди.

қўйиш юзасидан коммунал хўжалиқларнинг техник инвентаризация бюроси ишчилари билан шартнома тузилди ва асосий фондларга янгидан нарх қўйиш учун рўйхат тузиш ишларини бошлаб юборилди.

Шу билан бир қаторда областимиздаги қатор колхозларнинг раҳбарлари бу муҳим халқ хўжалигини қўйишдаги муносибатда бўлмадилар. Масалан, Оқўрғон районидан Карл Маркс номи, Қуйишино номи, Юқори Чирчиқ районидан «Ленинскии путь», «Права», Ўрта Чирчиқ районидан Энгельс номи, Гулистон районидан «Октябрь», Ленин номи ва бошқа колхозларда бу муҳим тадбирини амалга ошириш ишлари сўст. Холбуки, бу масала юзасидан колхозларда май ойдаёқ инструктор таъкидланган эди.

Маъzur колхозларда асосий фондларга янгидан нарх қўйишга тайёргарлик ишлари баробор берилган, асосий фондларнинг дастлабки ҳисоби тартибга солинган, биолог ва ишоотлад, машиналар ва асбоб-ускуналар техник жиҳатдан ҳужжатлаштирилган. Бундан эса уларга янгидан нарх қўйишга киришни мумкин эмас.

Вақолянин, бундай тайёргарлик ишлари иттифоқ ҳукуматининг колхозларда асосий фондларга янгидан нарх қўйиш тўғрисида 1960 йил 1 сентябрда чиқарган қарорига мувофиқ шу йил 1 майгача тугалланган бўлиши лозим эди. Юқорида номлари санаб ўтилган колхозларнинг раҳбарлари ҳукуматнинг бу вазиратининг бажармадилар. Уларнинг раҳбарлари асосий фондларга янгидан нарх қўйишнинг моҳиятини ҳанузгача тушуниб етмадилар. Ишчи ўз ҳолига ташлаб қўйганлар. Шунинг учун колхозларда тузилган комиссия аъзолари ишга етарли тайёргарликларни ҳар янгидан нарх қўйишнинг амалга ошириш тартибин нотўғри тушунадилар.

Гулистон, Пискент, Оқўрғон, Юқори Чирчиқ ва бошқа районларда асосий фондларга янгидан нарх қўйиш учун тузилган махсус комиссиялар ҳам шу иш устида каттиқ контроль ўрнатмадилар. Айрим районларнинг давлат статистикаси инспекциялари эса асосий фондларини инвентаризация қилиш ва янгидан нарх қўйиш ишлари устида қўйишдаги контроллик қилмадилар.

Тайёргарлик ишларини баробор берган, асосий фондларнинг дастлабки ҳисобларини ҳанузгача тартибга солимаган колхозлар ҳозир янгидан нарх қўйишга кириша олмайдилар. Қатор колхозларда шундай фактлар ҳам учрайдики, асосий фондларнинг ҳозир эксплуатация қилинаётган айрим объектиларини колхоз балансида мутлақо ҳисобга олимаган. Бу фондлар раҳбарлари, белгилочи ишоотлар ердимида дарҳол баҳолашни ва колхозлар ҳисобига киритилиши лозим.

Асосий воситалар составиндан айрим объектилар (арзон нархли ва тез эскирадиган буюмлар) ёки масалан, от-улов асбоблари (ҳомут, эгар, юган ва бошқалар) колхоз балансида нотўғри ҳисобланилади. Булар инвентаризация йариғида асосий фондлар составидан асосий воситалар составига ўтказилиши лозим.

Айрим ҳолларда бунинг акси рўй беради — асосий фондлар ҳисобига асосий воситалар составига киритилади. Бундай камчиликлар аниқланганида дарҳол тузатилиши зарур.

Кўпгина колхозларнинг балансларида асосий фондлар составида аллақачон ишга аросис бўлиб қолган ҳамда ремонт йўли билан мутлақо тиклаш мумкин бўлмаган объектлар ҳам учрайди. Бундай ҳолларда янгидан нарх қўйиш комиссияси ушбу объектининг ишга аросис бўлишига қараб асосий фондларнинг тартибин тўғри тушунадилар.

Ишдан чиққан автомашиналарга акт тузилиб, колхоз раҳбарлигини томонидан тасдиқланганидан сўнг бу акт ана шу машиналарни ҳисобдан чиқариш ҳақида санция олиш учун маҳаллий автономияга таъкидланган эди.

Колхозларда биологлар, ишоотлар, машина ва асбоб-ускуналардаги техник характеристиканинг йўқлиги асосий фондларга янги нарх қўйишга тайёргарликдан катта камчилик ҳисобланади. Бундан эса асосий фондларнинг тиклаш нархини ва физик жиҳатдан эскирганлигини аниқлаш мумкин эмас.

КПСС оламшумул-тарихий аҳамиятга эга бўлган вазиғани — СОВЕТ ИТТИФОҚИДА ҲАР ҚАНДАЙ КАПИТАЛИЗМ МАМЛАКАТИДА ГИГА ҚАРАГАНДА ЭНГ ЮКСАК ТУРМУШ ДАРАҲАСИНИ ТАЪМИНЛАШ вазиғасини ўртага қўймоқда.

Бу вазиға: а) чакана нархларни камайитириш ва аҳолидан олинадиган солиқларни бекор қилиш билан бир қаторда, меҳнатқашлар меҳнатининг миқдор ва сифатига қараб тўланадиган индивидуал иш ҳақини ошириш; б) жамият аъзолари ўртасида улар қилган меҳнатнинг миқдори ва сифатига қарамадан, яъни бепул тақсимланадиган ижтимоий фондларни (билим бериш, даволлаш, пенсия таъминоти, болалар муассасаларида болаларни боқиб тарбиялаш, коммунал хизматлардан бепул фойдаланишга ўтиш ва ҳоказоларни) кенгайтириш йўли билан амалга оширилади.

(КПСС Программаси проектидан).

ҚҮЛИ ГУЛЛАР

Чинни буюмларга солинган турли-туман нафис гуллар қизининг хавасин келтирмайди дейсиз? Нафис гул қилинган пиёда ва чойнақлардан чой ичиш қачалик завқли. Бу гулларни зўрақландрок ва заковат билан ишлаб чиқаришнинг хунарига қўйилган колхоз ишчи бектиёр «қўлингиз дард кўрмасин» деб юборасан...

Тошкент чинни заводининг Тамара Пичкина бошчилигидаги коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари ҳам чинни буюмларига ана шундай нафис расмлар солаётганларидан. Коммунистикча ишлаб, коммунистикча ишашган бригада аъзолари меҳнатда ўз касбшўларига ўрнак бўлишарти. Ҳн ойлик тошириқини партия XXII съезди очилганидан кунгача бажариш учун астойдил курашартиган.

Шунинг учун фондларини инвентаризация қилиш п а й т и д а мавжуд камчиликларни бартараф қилиш зарур. Ҳар бир объектининг техник ҳолатини тўла кўрсатиш учун асосий фондларнинг рўйхат бланкисидан ҳамма графаларни тўғри тўлдирш ва расмилаштириш керак.

Иш ҳайвонлари ва маҳсулотлар моллар, перрадалар ва асарлардан янгидан баҳолашмайди. Шунинг учун бу синари асосий фондлар олдига йилнинг охирида инвентаризация қилинади.

Инвентаризация маълумотлари билан бухгалтерия ҳисоби маълумотлари солиштирилган, колхоз комиссияси Марказий статистика бошқармасининг инструцияси ҳамда тегишли вўрсатмалар асосида ҳар бир инвентарь объектининг тиклаш нархи ва физик жиҳатдан эскирганлигини аниқлаш ҳамда бунинг натижаларини ёзиб бериш зарур.

Биолог, ишоотлар, машина ва асбоб-ускуналарга янгидан нарх қўйишнинг ҳамма ишлари тез кунда тугалланиши лозим.

Колхоз комиссияси асосий фондларга янгидан нарх қўйиш ва физик жиҳатдан эскирганларни аниқлаб бўлганидан сўнг бу ишнинг якулини ҳақида ҳисобот ва акт тузади.

Янгидан нарх қўйишнинг якулини колхоз раҳбарлиги томонидан тасдиқланганидан сўнг у бухгалтерия ҳисоби ва колхоз балансининг 1962 йил 1 январига баълан маълумотида акс эттирилиши керак.

Колхозларнинг колхозлар ва сув хўжалиқлари ташкилотларининг раҳбарлари маъzur тадбирнинг муҳимлигини кўзда тутиб, бунини тезлаштириб юборишлари ва ўз вақтида қўйишдаги қилиб амалга оширишни таъминлашлари лозим. Давлат статистикаси органлари ва район иқроно комитетлари эса бу тадбирини амалга оширилиши устида системали контроль ўрнатишлари зарур.

Ф. И. МЕНЬШИКОВ,
ЎзССР Давлат Статистика Бошқармаси асосий фондларга янгидан нарх қўйиш бўлимининг бошлиғи.

гул солувчилар шу йилнинг саккиз ойлик тошириқини муддатидан анча илгари адо этиб, қўшимча миқдорда дона чинни буюмини қўлдан чиқардилар. Улар маҳсулот сифатини яхшилашда ҳам яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Ўтган саккиз ойда чиннига гул солиш сифати беш процент яхшиланди, брак эса тўрт процент камайди.

Тошкент чинни заводининг Тамара Пичкина бошчилигидаги коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари ҳам чинни буюмларига ана шундай нафис расмлар солаётганларидан. Коммунистикча ишлаб, коммунистикча ишашган бригада аъзолари меҳнатда ўз касбшўларига ўрнак бўлишарти. Ҳн ойлик тошириқини партия XXII съезди очилганидан кунгача бажариш учун астойдил курашартиган.

Бригадада бошқаларга ўрнак бўладиган янгиликлар аниқгина бор. Бригадада деворий газета, «Жанговар варақа»лар муштаам чиқариб турилади. Қўргазмали тахта ҳам ташкил қилинган. Унда бригада ишининг қулайлик кўрсаткичлари ёзиб борилади. Бу тадбирлар бригадани ишлаб чиқариш кўрсаткичининг тобора яхшиланишига ёрдам бермоқда.

О. НОРҲҲАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» газетасининг штатсиз муҳбири.

МОҲИР ТЕМИРЧИ

Ўғ синари довуллаб турган металл урилатган босқоннинг бўғиқ овози атрофга таралиб турибди. Уни даст бўлиб, жиккакка, соч ва соқоқлари орасига кесадик нишониси — оқ аралашган киши бошқараётди. У металлнинг дам у томонини дам бу томонини айлантириб тураётган бир неча дақиқа ўтгач халқи металлдан мураккаб детал ҳосил бўлади.

Босқонни бошқараётган бу киши Турдали Бегматов эди. У, шу касбда даяри етти йилдан бери ишлаб келмоқда. Шу ҳунари туфайли «Сантехмонт»нинг Омалиқиде участкаси коллективни орасида ҳўрмат қозонди, катта обур орттирди. Ўз касбинини пухта эгаллаган бу моҳир темирчи ҳар бир деталнинг тез ва сифатли ишланишига эришмоқда. Ўртоқ Бегматов йиллик тошириқини саккиз ойдаёқ бажариб қўйди. Шу кунларда етти йилликнинг тўртинчи йили ҳисобига меҳнат қилаётди.

В. КУЗНЕЦОВ,
«Асмалиқвинцестрой» трестининг ходими.

Таклиф ва мулоҳазалар

«Қундалик ишларини олиб бориш учун, — дейилади КПСС Устави проектида, — бошланғич, цех партия ташкилоти бир йил муддатга бюро сайлайди, унинг миқдори партия мажлиси томонидан белгилаб берилади».

Бизнингча «бюро» сўзидан сўнг «ва унинг секретарини» деган сўз қўшиб қўйилса яхши бўлар эди.

Партия йиғилишларида фақат бюро составини сайлаш одат тусига кириб қолган. Бюронинг секретари эса коммунистларнинг умумий йиғилишида сайланадиган. Бюро секретари коммунистларнинг умумий йиғилишида сайланадиган бўлса, у ҳолда партия аъзоларининг абсолют кўпчилигининг фикри ифодланади, партия ички демократияси янада ривожлантирилган бўлади. Баъзан партия бюросида секретарь қилиб сайланган ўртоқ кўпчилик коммунистларга ёрмаслиги мумкин.

Кейинги вақтларда кўпгина саноат қорхоналарида партия ташкилотларининг штатсиз секретарлари ҳамда жамоат инструкторлари ишламоқда. Бу яхши натижалар бермоқда. Шунинг эътиборига олиб, КПСС янги Уставида йирк партия комитетлари ҳузурида штатсиз бўлим тузиш ёни ямаш олмай ишлайдиган

жамоат инструкторлари тайинлаш керак, деб кўрсатиб ўтилиши истар эдим.

Н. ВИНОВГРАДСКИЙ,
Чирчиқ электромонтаж комбинати таъминот бўлимининг бошлиғи, КПСС аъзоси.

КПСС Уставининг «Партия аъзолигига нақдидатлар» бўлимида «Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг муҳим тошириқини аъло даражада бажариш, ўзининг буюк жасорати билан Ватанимизнинг шуҳратини оширган, енисий жиҳатдан чиникан ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси бўлишга муносиб эканлигини амалга исботлаган КПСС аъзолигига нақдидатлар, юқори партия ташкилотларининг таъсисига мувофиқ, КПСС аъзолигига муддатидан илгари қабул қилиниши мумкин» деган эслатма бўлишини истар эдим.

Оҳангирон ГРЭС қурилиши партия бюросининг секретари.

КПССнинг Уставида ҳар бир колхозда колхоздан маош олиб ишлайдиган партия ташкилотининг секретари тайинланиши кўрсатилса ёмон бўлмас эди. Бундай қилинган тақдирда секретарининг ўзига тоширилган вақтда исбатан масъулияти янада ошарди.

О. ВИХҲАЕВ,
КПСС аъзоси.

НАЗАРИЯДАН ПРАКТИКАГА

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1957 йилги қарорига асосан Тошкент Давлат университетининг Шарқ факультетида таржумон ва ўқитувчилар тайёрлайдиган араб, хитой бўлимлари очилган эди. Ана шу бўлимларини бу йил биринчи марта 31 студент тугатди. Ҳозир бўлажак тилчилар диплом олдир практикаси ўтказишмоқда. Студентлар ярим йиллик практика давомида университетда олган билимларини янада юсухташарти.

Хитой бўлимининг студентларидан Г. Бровченко, Р. Ослановлар университетда, Н. Горшкова, Л. Цой ва бошқа ўртоқлар 59-мактабда дарс бермоқдалар. Араб бўлимининг дипломантларидан А. Талабов, У. Қориев ўртоқлар Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида практика ўтказартирлар. Араб бўлимининг қолган студентлари пойтахтдаги 22-мактабда араб тилидан дарс беришмоқда.

Университетнинг Шарқ факультети бундан сўнг ҳар йили хитой, араб тили бўйича малакали мутахассислар тайёрлаб боради.

Н. АЛИМБОЕВА.

Океан чўт ичида

(ИЛМИЯ-ФАНТАСТИК ҲИКОЯ)

Капитаннинг ёрдамчиси гапга аралашди. У баланд овоз билан гапирди.

— Капитаннинг бундай дейиши да гап фақат бизни бошқалар кўрмаслигида эмас, балки... хавфнинг олдини олиш тўғрисида боряпти.

— Ана холос! Яна эски ашула, яна хавф тўғрисидаги гапларга келаяпсизми? Мен сизларга яшиқлар сув ўтмайдиган деб неча марта айтдим-ку, ахир! Улар юрғоқини эритмаси, берилади ва яна аланима бало металлдан ясалган! Бонини ҳовузларнинг чуқурлиги тўққиз мияг метрдан ортиқлигини ўларнинг ҳам билмаслар-ку! Бундай чуқурликда радиоактив қолдиқлар ҳеч қандай хавф тугдирмайди.

— Моррис яна қаттиқроқ овоз билан гапирди:

— Жаноб Жибарец, сиз билмайдиган яна бир нарса ҳам бор. Бу районда сувости ер қимирлаши тез-тез бўлиб туради. Яшиқлар сувостидан тизга ўшаб юзлашиб, пақоқлашиб кетади, ана ундан кейин радиоактив қолдиқларнинг ҳаммабиди тарқалиши мумкин. Ҳамма нарса зарарланади! Ҳаммаси! Шахсан мен бизнинг яна шу қорабда юрган кўра интрогидерини океанида сувостини арзалаб кўрган бўлардим. Мен бу гапни бекорга айтганим йўқ. Биз бу зонадан қайтишга улгурганимизча радиация организмимизга кириб олади, қонимизни захарлайди — меннинг қонимни, капитаннинг қонини, сизнинг қонингизни захарлайди, жаноб Жибарец! Бу жуда дахшадли — сени ва азобли ўлим бўлади. Бу моҳов касалидан ҳам баттар бўлади!

— Фреднинг кўнгли алла нечун бўлиб кетди... У гандираклар бор, бир темир бачи ушлаб келди. Бак ағнаб, тарақлаб кетди. Шу замониёқ наютадаги овозлар таққа тўхтади.

— Қисқаргани сукуватдан сўнг капитаннинг:

— Ҳой, қим ўзи бу?.. деб қанқибди овози эшитилди.

— Лиф бир-икки савраб анига чиқди-да, ўзини қаята урди. У шовиланич ичда сарин дастурмолининг тушиб қолганини сезмади.

— Эз кроватда тизасини қучоқлаб, букчайиб ўтирган Портер паст овоз билан машхур дегарчилар кўнглини хонш қилиб ўтирди.

— Роб, қулқ сол, мен билди олдим! «Сильвер Стар» да қандай юк борлигини биласизми? Радиоактив қолдиқлар экан...

— Портер оғзини катта очиб эсанаб:

— Ҳўш, нима бўпти? — деди.

— «Ҳўш нима бўпти?» деганинг нимами? Радиоактив қолдиқларини сувга ташлашимиз яхшимми?!

— Нима ишим бор, шунга ҳам бошимни қотириб ўтирайми? Сув масаласи мен унча қизиқтирмаганини ахши билсан.

— Портер! Роб! Айтчи, сен ўзингни аблаҳлиққа солаясанми ёки ҳақиқатан ҳам аблаҳсанми? Ахир бу, қилди ақли бовар қиладиган энг ярамас ишларнинг ярамаси-ку! Дикқат билан қулқ сол, мен сенига ҳаммасини тушунтириб бераман. Атом лабораторияларида амалий ишда ҳеч нарсага ярамайди радиоактив қолдиқлар чинади. Аммо улар жуда кучли радиоактивлик қобилиятига эга бўлади. Бу қолдиқлар ёт ёқиб-чиқибдан тушурини ҳаварландиради. Бу ўтин сичр ейдн, натижада унинг сутн ҳам зарарланади. Бу сутни нган болу узок давом этадиган оғир касалга тирифторм бўлади ва охири шу касал билан ўлиб кетади.

— Агар шундай бўлса, улар қолдиқларини сувга чўктириб, тўғри иш қилаётган эдилар-да.

— Портер, жуда хомқалла

лабларини чимириб. — Сен менадан осонликча кутилмайсан. Фортунато...

Капитан столдан туриб, Лифга яқинлашди. Мушгини ростлаб туриб, зарб билан унинг юзига туширди. Лиф гандираклар кетди, лекин шу захотиёқ ўзини ўнглаб туриб, капитанни бир туширган эди. Фортунато қаюта деворига суюниб қолди. Лифнинг орқасида турган Моррис қулқоқлаб туриб тўппончанинг дастаси билан унинг бошига туширди. Қаттиқ оғриқдан Фреднинг аъзойи-бадани зирраб кетди. У шу аллоҳда гандираклар бориб, йқилди. Фортунато уни яна бир неча марта телкилади.

— Фред ўзига келганида, тепасида қимдир паст овоз билан шивирлаб гапирди:

— Лиф бу мен, Портерман. Эсинг ўзингга келдими? Улар Вилькинсини сенинг тепанга қоравул қилиб қўйишди. Мен уни виски билан меҳмон қилдим, ҳозир довг қотиб ухлаб ётибди. Мулоҳаза қилиб ўтиришга вақт йўқ. Мен ҳамма нарсани тайёрлаб қўйдим. Геликоптер бакида ёнлиги бор. Менга суюниб ол. Яхши. Қани эди кетдики Тезроқ!

— Лиф юришга ҳаракат қилди, аммо оғриқдан йиғраб, турган ердан жилмолади. Шундан сўнг Роб уни вертолетга кўтариб борди. Бу воқеа бор-йўғи бир минутгина вақт ичда бўлиб ўтди. Портер Фреднинг қабринага ўтди, моторини юришга юборди. Машина ҳавога қўтарилиб кетди. Моторнинг гулдуллигини эшитиб турса ҳам қоравул ўриндан қилмади. Қорабда сенга алоқаси бўлмаган нига аралашма логан тартиб бўлгани учун қоравул бунга аҳамият бермади. Капитан ва Жибарец югуриб полубога чиққанларидан вертолет аллақачон юз метрдан ортақ баландликка кўтарилишга улгурган эди.

— Тўппончадан отилган ўқлар вертолетга етиб бормасди...



Суратда: Қўйи Чирчиқ районидagi Димитров номи колхозда қурилган янги маданият уйи биноси. А. Абалли фотоси.

УРУҒЛИК МАККАЖУХОРИ — ДАВЛАТГА

ЯНГИБОЗОР. (ЎзТАГ). Юқори Чирчиқ районидagi «Политотдел» колхозининг машхур маккамжухориюри Любовь Ли бошлиқ бригадаси Тошкент областида биринчи бўлиб давлатга уруғли маккамжухори доши топшира бошлади. Юксак надицияли «ВНР-156» навидан бўлган уруғлининг дастлабни икки юз центнери тайёрлов пунтига топширилди.

«Экран» ЭКРАНИДА

20 СЕНТЯБРДА

19.00. Ўзбек тилида «Иш ва кишилар» деган киноочерк.

19.30. «Коммунизм қуриш программаси» иккидан рус тилида лешна.

19.50. «Тўғри овқат» деган илгий-оммабоқ фильм.

20.00. «Севимли кино артистлари» қиллидан Элина Бистрицкая никодга бағишланган эшиттириш.

21.00. Телевизион илгийликлар.

21.20. «Бўрилар ва қўйлар» деган фильм-спектаклининг иккинчи қисми

Объективизм Янгиликлари

КОСМОНАВТГА ХАТ

Оҳангарон қўмир разрезидagi сьездолди мусобақасининг илгорлари В. Френкель, М. Холматов, И. Терешченко ва И. Исломовлар Шонли совет космонавти Г. С. Титов билан хат ёзишиб турадилар. Улар Г. С. Титовга ҳўйдоғиси телеграммани юбордилар:

«Қадрли Герман Степанович! Сизнинг номингиздаги бригадининг ҳамма аъзолари номидан Сизга шунчи маълум қилиш билан ҳўрсандимки, биз сьездолди мажбуриятимизни «Ўзбекўз» комбинатида биринчи бўлиб бажардик. Экскаваторнинг билан ил бошидан бери пландан ташқари 80 минг тоннадан ортиқ қўмир қазиб чиқарилди. Партия сьезди очиладиган кунгача пландан ташқари яна 20 ишелон «қора олтин» жўнатишга ваъда беримиз. Бу ишелонлар севikli Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш ишига бизнинг ҳиссамиз бўлиб қўйилсин». (ЎзТАГ).

Омонатчилар сони ортмоқда

Област омонат касаллар бошқармаси ҳақининг талаб ва аҳтиёжларини ҳисобга олиб, янги омонат касаллар очмоқда. Ил бошида областимизда 264 та омонат касса ишлаб турган бўлса, бу рақам ҳозирга келиб 23 тага кўпайди. Янги омонат касаллар асосан чекка районларда очилди. Жумладан, Гулистон районининг қишлоқ меҳнаткашлари учун иккита, Сирдарё район пахтакорлари учун иккита омонат касса очиб берилди. Шунингдек Оҳангарон, Олмалик шаҳарларида яқинда иккитадан янги омонат касса ишга тушди.

Омонат кассада пул савдоқчилар сони тинмай ошиб бормоқда. Шу йилнинг саккиз ойи ичда областимизда омонатчилар сони 7 ярим минг кишига кўпайди. Айниқса, Чирчиқ шаҳрида омонат кассада пул жамағаручилар сони тез ўсмоқда. Бу ерда 18 ёшга етмаган қишлоқнинг ҳисобга олмаган, аҳолининг 55 процентидан ортиги омонатчи ҳисобланади.

Омонат касаларда пул жамағармасининг кўпайиб бораётганини меҳнаткашлар моддий фаровонлигининг тез ўсаётганини кўрсатмоқда.

Ҳ И С С А

Оққўрғон районидagi Улугбек номи мактабининг юқори синф ўқувчилари дарсад сўнг «Оққўрғон» совхозни далаларига чиқиб пахтакор ота-оналарига ёрдам беришмоқда. Ҳозир ўқувчилардан иборат алоҳида бригада ташкил этилган. Унга ўқутувчи Ю. Нишонов бошлиқ қилмоқда.

Меҳнатсевар ўқувчилар кучи билан шу кунгача уч тоннадан ортиқ пахта терилди.

Шунингдек Ворошилов номи колхоз аъзоларига яқиндан ёрдам бераётган 4-мактаб ўқувчиларининг химматидан ҳам вахтакорлар мамнун.

М. ҲУЖАЕВ.
Т. МИРЗААХМЕДОВ.

ТОШКЕНТНИНГ ТАНИШ ДАМАРИДА

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/IX да Демон, 21/IX да Богачасарой фонтани.

ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — (қилки био) — 20/IX да Фуркат, 21/IX да Тога-жизилар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (қилки био) — 20/IX да Равшан ва Зулхумор, 21/IX да Зарафшон қизи.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 21/IX кеч соат 8 да Ўзбек давлат филармонияси солистарининг катта концерти. Ўзбекистон ССР халқ артистлари Комнажон Отаниёзов, Шаҳлолат Раҳимова ва бошқалар қатнашади.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Инспектор визити — «ВАТАН», «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечурун).

Иван Рибиков — «ВАТАН» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 2 да).

«ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечурун).

Биринчи — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «МИР» (кундуз ва кечурун).

Содалат қалби (кеч соат 5 ва 10-20 минутда), Хазиналар ороли (кундуз ва кечурун) — НАВОИЙ номи.

Роман ва Франческа — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз соат 4 да).

Эз учинчи арзанда — «СПУТНИК» (куфт соатларда).

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Шарқ томон 10 кадам — «ОК ТЯБРЬ».

Иван Рибиков — «ВАТАН».

Тўрт йул — НАВОИЙ номи.

Инспектор визити — «ФЕСТИВАЛЬ», ТЕЛЬМАН номи (кеч соат 10-40 минутда).

ПУШКИН номи (кеч 8 да).

Биринчи сновлар (1 ва 2 сени) — ТЕЛЬМАН номи (кеч соат 7 яримда).

Бир дарё бўйида — ПУШКИН номи (кеч соат 9 яримда).

«УЗБЕЛЕКТРОСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ 5-СМУСИ

Тошкент области шаҳарлари ва районларида ишлаш учун: электрик инженерлар, электрик техниклар, ҳар хил разрядли электромонтерлар, автокранчилар, слесарлар, шоферлар, электромонтер шогирдлари.

Керак

Тошкент шаҳар, Қўйибши шоссес, 1-перекон, 48-уйда қадрлар бўлимига учрашисиз (7, 17, 22, 12-автобус, 5-трамвайнинг «Рисовая» остановкаси). Телефон 33-269.

«ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ»

4-БЕТ, 20 СЕНТЯБРЬ, 1961 ИИЛ.

Касбдошларига ўрнак бўлаётган йигит

Сўроқ қилмоғи Чатқол туманига этакига жойлашган. Бу кишиларнинг гўзал манзараси, шифобах хавоси ва аниқ булдоқ сувларининг таъсири тилдан-тилга ўтиб юради. Биз шунбу материалда қўра қилмоғич бўлган йигит Гултура Гулаев ҳам 1933 йилда мана шу қишлоқда туғилган. Бола ёшлигиндан қачонки абабон ва доворак бўлиб ёсди. Унинг онаси ҳеч вақт иссиқ қийимга ўрмасдан, иссини ва совуқча чинади қилиб тарбиялади. Гултура тоғдан оқиб тушган муздек сувга чўмилиб, соф тоғ навосидан нафас олиб, куёш нурида тоблана эди.

Гултура ўрта мактабда ўқиб юрган вақтида спортга меҳр

қўйди. У ўзининг бақувват ва барварасталиги билан синфдошларидан ақриллаб турарди. 1945 йилда районда Фарғон ўсули бўйича кураш бўлиғида у билан-тилга ўтиб юради. Гултура 1950 йилда ўрта мактабининг 7-синфини тамомлаб, Тошкентдаги физкультура техникумига ўқишга кириди. Бу ерда спортнинг назарий қондаларини ўрганиш билан бирга, системали равишда тренеровка билан шуғулланиб, ўз маҳоратини ҳам ошира борди. Орадан икки йил ўтгач, ёш спортчи ўрта Осиё ва Козогистон республикаларининг Ашхобода ўтказилган спартакиадасида қатнашиб, кураш бўйича иккинчи разряд номирасини бажарди. Гултура армия сафида хизмат қилиб юрган вақтида ҳам спорт билан шуғулланишини таом этмади. У армиядан яна ҳам бақувват, чиққан ва маҳоратли спортчи бўлиб қайтди.

1956 йилда спорт ниқибозини Тошкент физкультура институтига кириб, сирдан ўқиб бошлади. Укин билан бирга у ўз кишилоғиди мактабда жисмоний тарбиядан дарс беради. Гултура бора-бора Тошкент областининг танкили полковларидан бўлиб қолди. «Пахтакор» кўнгли спорт жамяияти биринчилиги учун бўлган бир неча мусобақаларда қатнашиб у қимматли мучофотлар олишга сазовор бўлди. 1959 йилда ёш полков СССР халқларининг Москвада ўтказилган иккинчи спартакиадада қатнашиб шаофига мўлосар бўлди. У мамлакатимизнинг турли чеккаларидан келган ва яхши тайёр гандиқча эга бўлган кўр полковлар билан курашиб, ўз вазини бўйича (огир вазили) эркин хурашда учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. 1960 йилда эш республика чемпиони ларажасига кўтарилди.

Гултура полковнинг оғирлиги ҳозир 102 килограмм. У жуда хушмуомчала, наятар йигит. Эш дарс бераётган мактабдаги ёш авлодини коммунистни руҳда тарбиялаш, уларнинг жисмоний чиниққан ва бақувват бўлиб етишилари учун спорт соҳасигаги билим ва таърибасини

«ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ»

4-БЕТ, 20 СЕНТЯБРЬ, 1961 ИИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ»

4-БЕТ, 20 СЕНТЯБРЬ, 1961 ИИЛ.

Бу гулшан соз экан... С. Мусаев фототўди.



Бу гулшан соз экан... С. Мусаев фототўди.

«ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ»

4-БЕТ, 20 СЕНТЯБРЬ, 1961 ИИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ»

4-БЕТ, 20 СЕНТЯБРЬ, 1961 ИИЛ.